

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ҚАРОРИ

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, шунингдек Конституция ва қонун устунлигини таъминлаш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан мамлакатимизда ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилинишига эришилди, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги таъминланди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари янада кучайтирилди. Бунда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ Конституциявий суд фаолияти ҳуқуқий асосларининг такомиллаштирилиши Янги Ўзбекистон шароитида қайта кўриб чиқилди. Бугун шиддат билан ривожланаётган Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Конституциявий суд фаолиятини янада такомиллаштириш заруратини кун тартибига олиб чиқди.

Шунинг учун ҳам 2021 йил 27 апрелда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги янги Конституциявий қонун қабул қилинди ва кучга кирди. Унинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди фаолиятида янги даврни бошлаб берди.

Янги қонуннинг энг муҳим хусусиятларидан бири қонунда фуқаролар ва юридик шахсларга Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилишидир. Конституциявий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро тажриба Конституциявий судга фуқаролар ва юридик шахслар томонидан мурожаат қилиш институтининг жорий этилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда муҳим механизм эканлигини кўрсатмоқда.

Конституциявий суднинг кейинги йиллардаги фаолияти мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган ислоҳотларга мос бўлмай қолди. Конституциявий суд томонидан фақатгина қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш тўғрисидаги санокли ишлар, шунингдек, суднинг ички фаолиятига оид ташкилий масалаларгина кўрилган ҳолос.

Бунга сабаб бир тарафдан Конституциявий судга масала киритиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан масала киритилмаганлиги бўлса, иккинчи тарафдан Конституциявий суд судьяларининг ташаббуси билан ҳам суд муҳокамасига масала киритилмаганлигидир.

Конституциявий суд фаолиятидаги янги давр унда Конституциявий суд томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда алоҳида фаолликни талаб қилиниши билан характерланади.

Шунингдек, “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 99-моддасига мувофиқ Конституциявий суд ва Адлия вазирлигига ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминлаш юкланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб Конституциявий суд

ҚАРОР ҚИЛДИ:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Конституциявий суд томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Конституциявий суд Девони раҳбари А.Рахимов ва катта эксперт Н.Саид-Газиева бир ой муддатда Адлия вазирлиги, ЎЗА, Ўзбекистон МТРК билан биргаликда Қонуннинг мазмун моҳияти ва аҳамияти юзасидан аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича Режа-график лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда ҳамкор ташкилотлар раҳбарларига тасдиқлаш учун киритсин.

3. Конституциявий суд судьялари ва Девон ходимлари ушбу Дастурда белгиланган чора-тадбирлар ижросини сўзсиз бажарилишини таъминласин.

4. Ушбу Қарор ижроси таъминланишини назорат қилиш ва бу ҳақида Конституциявий суд раисига мунтазам ахборот бериб бориш Конституциявий суд раисининг ўринбосари А.Ғафуровга юклансин

5. Ушбу Қарор Конституциявий суд расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий суди**